

**П БОБ. МУДОФАА СОҲАСИДАГИ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ
ФАОЛИЯТДА ЮЗАГА КЕЛАЁТГАН МУАММОЛАР**

*2.1 Мудофаа соҳасидаги ахборот-
таҳлилий фаолиятнинг бугунги ҳолати*

Джалилов А.М.

Дунёнинг етакчи давлатлари акторликка интилаётган вазиятда АТФнинг мудофаа соҳасидаги ўрни ошиб бормоқда. Технологиянинг ривожланиши, маълумотлар манбаларининг кўпайиши ва янги таҳдидларнинг пайдо бўлиши билан бутун дунё бўйлаб мудофаа ташкилотлари миллий хавфсизлик манфаатларини ҳимоя қилиш учун маълумотларни самарали тўплаш, таҳлил қилиш ҳамда улардан фойдаланишда доимий равишда янги ихтиrolарни жорий қилиб келмоқда.

Бундан ташқари, АҚШ ҳарбий-сиёсий соҳадаги турли муаммолар бўйича консултация хизматларини кўрсатиш учун “ақл марказлари” (think tanks) деб аталадиган турли нодавлат таҳлилий ташкилотларни кенг жалб қилиш амалиётидан фойдаланаётганлиги ўз самарасини бемоқда.

Шу нуқтаи назардан, уларнинг ҳарбий ривожланиш ва қуролли кучлардан фойдаланишни режалаштириш масалалари бўйича қарорлар қабул қилишдаги роли, шунингдек, ушбу масалаларда давлат сиёсатини шакллантиришга таъсир қилиш даражаси ортиб бормоқда.

Шу билан бирга, сўнгги пайтларда қуролли кучларни қуриш, қайта қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнида қарорлар қабул қилинишини ахборот-таҳлилий таъминлаш жараёни танқидий таҳлил қилиниб, янгидан кўриб чиқилмоқда. Бу бутун Америка Қуролли Кучларини ўзгартириш жараёнининг бир қисми сифатида содир бўлмоқда. Айнан ушбу

тенденцияга бир қатор омиллар асосий ва қўшимча сабаб бўлмоқда¹. Булар қўйидагилар:

биринчидан, янги технологияларнинг жадал суръатларда ўзгариши АТФни яхшилаши ва унга қарши туриши ҳам мумкин. Сунъий интеллект каби илғор технологиялар катта ҳажмдаги маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ҳамда таҳлил қилиш учун янги воситаларга айланиб бормоқда. Бирок, ушбу технологиялардан доимий ва узлуксиз хабардор бўлиш ва уларни мудофаа ахборот-таҳлилий тизимларига интеграциялашувини таъминлаш катта сармоя ва тажрибани талаб қилмоқда;

иккинчидан, кибертаҳдидларнинг тобора мураккаблашуви мудофаа соҳасидаги АТФга жиддий муаммо туғдирмоқда. Киберхужумлар муҳим мудофаа инфратузилмасини нишонга олиши, алоқани бузиши ва махфий маълумотларни ошкор қилиш имконияти ошиб бормоқда. Шу сабабли ҳозирда ривожланган ва ривожланаётган етакчи давлатлар ўзларининг мудофаа соҳасини модернизация қилишда қўйидаги омилга алоҳида эътибор бермоқда.

Ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва яхлитлигини ҳимоя қилиш учун мустаҳкам киберхавфсизлик чоралари муҳим ҳисобланади;

учинчидан, жаҳон иқтисодиёти ва ахборот тармоқларининг ўзаро боғлиқлиги миллий хавфсизликка таҳдидлар дунёning исталган нуқтасидан келиши мумкинлигини инкор этмаяпти. Мудофаа соҳасида АТФ потенциал хавфларни самарали прогноз қилиш ҳамда уларга қарши туриш учун глобал тенденциялар, геосиёсий жараёнлар ва пайдо бўлаётган таҳдидларни ҳисобга олиши керак бўлади. Буни «Капалак эфекти» мисолида яхшироқ тушуниш мумкин²;

тўртинчидан, бугунги қундаги маълумотларнинг катта ҳажми ва хилма-хиллиги жумладан, очиқ манбалар мониторинги, сунъий йўлдош тасвирлари ва ижтимоий медиадан олинган катта маълумотлар

¹ Совершенствование информационно-аналитической деятельности разведывательного сообщества США. 2010. http://noravank.am/rus/articles/detail.php?ELEMENT_ID=4615 (15.01.2024)

² <https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A5%D0%BD%D0%BE%D0%BA%D0%BC%D0%BE%D0%BB%D0%BE%D0%BA%D0%BE%D1%82%D0%BE%D0%BD%D0%BE%D0%BC> (25.01.2024)

тўпламларини бошқариш ҳамда таҳлил қилиш Мудофаа АТФ учун илғор таҳлилий воситалар ва усулларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий қилиш заруратини оширмоқда³;

бешинчидан, Мудофаа соҳасида самарали АТФни амалга ошириш учун малакали ва энг сўнгги замонавий билимларни эгаллаган мутахассисларга талаб мунтазам ошиб бормоқда. Маълумотлар таҳлили ва стратегик режалаштириш каби соҳаларда тажрибага эга бўлган иқтидорли таҳлилчиларни жалб қилиш орқали уларнинг имкониятларидан самарали фойдаланиш, уларнинг ижтимоий ҳимояси ҳал қилиниши лозим бўлган асосий вазифага айланиб бормоқда. Бу эса кучли мудофаа позициясини ушлаб туриш мақсадида ҳарбий ва хавфсизлик стратегияларини ишлаб чиқсан ҳамда улардан фойдаланаётган хориж давлатлари мисолида яққол кўринади.

олтинчидан, маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишни тартибга солувчи ҳуқуқий ва меъёрий база мудофаа АТФга сезиларли таъсир кўрсатиши мумкин. Махфийлик тўғрисидаги қонунлар, халқаро шартномалар ва ахлоқий меъёрларга риоя қилиш ахборот йиғиш ва таҳлил қилиш ҳаракатларининг қонунийлигини таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга;

еттинчидан, турли мудофаа АТФ билан шуғулланувчи идоралар ўртасида ҳамкорлик ва маълумот алмашиш таҳдидларни ҳар томонлама баҳолаш ва уларга ўз вақтида жавоб қайтариш учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Самарали алоқа каналлари ва ўзаро ишлайдиган тизимларни яратиш мураккаб хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш учун мувофиқлаштирилган ҳаракатларни осонлаштиради;

саккизинчидан, Мудофаа соҳасида илғор ахборот-таҳлилий имкониятларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш учун етарли маблағ талаб қилинади. Бюджет чекловлари тадқиқот, технологияни янгилаш ва

³ 17 лучших инструментов и технологий для работы с большими данными, о которых нужно знать в 2022 году, 07.04.2022, <https://habr.com/ru/companies/otus/articles/659657/>

ходимларни ўқитишга сармояларни чеклаб қўйиши мумкин, бу эса мудофаа АТФ самарадорлигини пасайтиради;

тўққизинчидан, стратегик жойлашув ва минтақавий иттифоқлар каби геосиёсий омиллар мудофаа АТФнинг устуворликлари ва ресурсларни тақсимлашга таъсир қилиши мумкин. Потенциал таҳдидларни ҳамда иттифоқчи давлатлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятларини аниқлаш учун геосиёсий вазиятни тушуниш жуда муҳим саналади.

Шу билан бирга, терроризм, кибер уруш ва ноанъанавий уруш каби тез ривожланаётган таҳдидлар мудофаа АТФда доимий мослашиш ва инновацияларни талаб қиласди. Ривожланаётган таҳдидларни олдиндан билиш ва уларга фаол жавоб бериш тобора мураккаблашиб бораётган хавфсизлик муҳитида миллий хавфсизликни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу ёндашувларга риоя этиш ва замонавий талабларга жавоб берадиган ахборот-таҳлилий ҳужжатлар ўз навбатида қарорлар қабул қилишда самарали ахборот бериши ва турли соҳаларда ижобий натижаларга ҳисса қўшиши мумкин.

Юқоридаги омиллар таъсир натижасида мудофаа АТФ соҳасида қўйидаги хорижий давлатларнинг ижобий тажрибалари ва уларнинг ўзига хос жиҳатларини мисол келтириш мумкин.

Америка Қўшма Штатларда Мудофаа вазирлигининг АТФ билан шуғулланувчи бўлинмалари устидан назоратни тўғридан-тўғри Миллий разведка директори (*разведка бўйича президент маслаҳатчиси*) бўйсунувидаги Марказий разведка бошқармаси (МРБ) амалга оширади (2005 йилдан бошлаб). Миллий разведка директори (МРД) аппарати (идораси) ҳамжамиятнинг бир қисми бўлиб, лекин у разведкавий эмас, балки маъмурий (административ) тузилма ҳисобланади.

АҚШ МРБ АТФга жалб қилинган бўлинмаси бошқа вазирлик ва идоралардан мустақил бўлган ҳукуматнинг асосий сиёсий АТФ вазифасини

бажаради. АТФ билан шуғулланувчи қолган 16 нафар аъзоси АҚШнинг турли федерал департаментлари ва агентликлари таркибида киради.

Ушбу тизимнинг ўзига хос томони шундаки, ушбу тизим орқали фаолиятни ташкил қилишда нодавлат ёки давлат буюртмаси билан ишловчи нодавлат ақл марказларини ва хусусий ишланмаларнинг имкониятларидан кенг ва самарали тарзда фойдаланилади.

Жумладан, АҚШнинг нотижорат РЭНД корпорацияси АТФ билан биргаликда хавфсиз ва мудофаанинг долзарб муаммолари юзасидан таҳлилий тадқиқот ишларини амалга оширади⁴.

Бугунги кунда қўплаб, “ақл марказлари” ўз мамлакатининг миллий хавфсизлигини таъминлашда фаол иштирок этиб, давлат органларига ушбу соҳада сиёsat ишлаб чиқиш ва қарорлар қабул қилишда ёрдам бериб келмоқда⁵. Улардан Америка РЭНД корпорацияси ҳамда Стратегик ва халқаро тадқиқотлар марказини (CSIS) ажратиб кўрсатиш мумкин. XX асрда “ақл марказлари” институтининг ташкил этилиши ва миллий хавфсизликка масъул бўлган давлат органларининг тегишли “ақл марказлари” билан самарали алокаси, уларнинг кўплаб масалалар бўйича биргалиқдаги фаолиятини мувофиқлаштириши муҳим кўрсаткич сифатида кўриб чиқилишини таъкидлаш мумкин.

АҚШ Мудофаа вазирлиги Разведка бошқармаси тезкор бош бошқарма таркибидаги ахборот-таҳлилий бошқармаси стратегик, тезкор ва тактик бўғинларда махфий ва очик ҳарбий, сиёсий, илмий-техникавий маълумотларни таҳлил қилиш билан шуғулланадиган қуролли кучлар ҳарбий разведкасининг барча ахборот-таҳлилий бўлинмалари ва марказларини ўз ичига олади. Бошқарма ахборот-таҳлилий бўлинмалари АҚШ Президенти девонхонасига кунлик ахборот-таҳлилий хужжатларни тайёрлайди.

⁴ [https://ru.wikipedia.org/wiki/RAND_\(22.01.2024\)](https://ru.wikipedia.org/wiki/RAND_(22.01.2024))

⁵ Вардан Атоян, «Мозговые центры» в системе обеспечения национальной безопасности. 2015. 127-138 Б. https://www.researchgate.net/publication/351735480_Mozgovye_centry_v_sisteme_obespecenia_nacionalnoj_bezopasnosti

Бундан ташқари, АҚШ Мудофаа соҳасидаги АТФ тобора ортиб бораётган ахборот оқими шароитида маълумотларни йиғиш ва таҳлил қилишни кенгайтириш ҳамда яхшилашга қаратилган янги очиқ манба разведкаси стратегиясини эълон қилди.

Хусусан, Миллий разведка директори идораси ва Марказий разведка бошқармаси томонидан тақдим этилган ҳужжат 2026 йилгача очиқ манба разведкаси (OSINT) техникасини ривожлантиришни белгилайди. Ташаббуснинг муҳимлилигига қарамай, ҳисоботда тўрт босқичли стратегиянинг ўзига хос тафсилотлари фақат умумий маънода баён этилган:

- ахборот алмашинувини такомиллаштириш;
- маълумотларни йиғиш воситаларини такомиллаштириш;
- OSINT малакасини ошириш учун инновацияларни ишлаб чиқиш;
- кадрлар тайёрлашга сармоя киритиши.

Шу билан бирга, очиқ маълумотларни қайта ишлашни яхшилаш учун сунъий интеллект ва машинали ўрганиш имкониятларига, шунингдек, маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилигини текшириш билан боғлиқ хавфларга алоҳида эътибор қаратилади.

Таъкидлаш жоизки, стратегиянинг бир қисми сифатида Миллий разведка директори идораси асосий йўналишларни амалга ошириш учун киберхавфсизлик бўйича етакчи эксперт Жейсон Барреттни жалб қилди. Унинг вазифаси Марказий разведка бошқармасининг ўтган йил давомида ушбу соҳадаги тажрибасига асосланган ҳолда OSINT ишига инновацияларни киритишидир.

Шунингдек, марказий разведка бошқармаси АТФ учун мавжуд бўлган катта ҳажмдаги маълумотлардан тегишли ахборотни танлаб олиш учун ChatGPTга ўхшаш сунъий интеллект технологиясини ишлаб чиқди. Янги восита OSINTни қайта ишлаш жараёнини автоматлаштириш, таҳлил қилиш учун асосий маълумотларни ажратиб кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, ушбу чат-ботнинг яратилиши сунъий интеллектнинг Хитой билан рақобатдаги мавқеини мустаҳкамлашга

қаратилган. Асосий вазифаси қимматли маълумотларни аниқлаш учун оммага очик бўлган катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилишдир. ChatGPT чат-боти инсон ёзувидан деярли фарқ қилмайдиган янги матн яратиши мумкин.

Ушбу тизим оммага очик манбалардан маълумот тўплашни осонлаштириш учун АҚШнинг барча 18 та разведка агентликлари таркибидаги АТФ билан шугулланувчи бўлинмаларига тақдим этилади. Марказий разведка бошқармаси ушбу чат-ботнинг ривожланиши қимматли маълумотларни узатиш тезлигини оширишдаги навбатдаги қадам бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Чат-ботга кириш имконияти сиёсатчилар ёки кенг жамоатчилик учун мавжуд бўлмайди. Унинг асосий мақсади ахборотнинг дастлабки манбаларини кузатишдир.

2023 йил август ойида Пентагон, ҳарбий мақсадларда генератив сунъий интеллектдан фойдаланишни ўрганиш учун мўлжалланган “Lima Task Force” (Лима тезкор гурӯҳи)ни яратди. Лима Пентагоннинг рақамли ва сунъий интеллект қўмондонлиги (Chief Digital and Artificial Intelligence Office) таркибиға киради. АҚШ Мудофаа вазирлиги маълумотларига кўра, Лима “сунъий интеллектнинг генератив имкониятларини баҳолайди, синхронлаштиради ва ишлатади, бу эса бўлим миллий хавфсизликни ҳимоя қилган ҳолда илгор технологиялар бўйича етакчи бўлиб қолишини таъминлайди”.

Бундай воситаларнинг аҳамиятини АҚШ Сенати разведка қўмитаси раиси Марк Уорнер шундай таъкидлайди, OSINT эволюцияси ахборот-таҳлилий бўлинмалар фаолиятидаги туб ўзгаришларни англатади ва маҳфий маълумотларни тўплаш устуворлиги ҳақидаги анъанавий қараш ўз ўрнини очик маълумотлардан фойдаланишнинг муҳимлиги ҳамда самарадорлигини англашга бўшатиб бермоқда.

Туркияда мудофаа АТФга жалб қилинган бўлинмаси таҳлилига кўра, ўзининг мудофаа салоҳиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда, бу табиий равишда муҳим таркибий қисми сифатида АТФни ўз

ичига олади. Туркия мудофаа соҳасида АТФни ривожлантириш мақсадида ўзининг таҳлил марказлари тизимлари самарадорлигини ошириш учун илғор технологияларга сармоя киритмоқда.

Булар қаторига таҳлил учун қимматли маълумотларни тақдим этувчи илғор хорижий дронлар, сунъий йўлдошлар ва қўпгина шунга ўхшаган янги воситалар киради. Бошқа кўплаб мамлакатлар сингари Туркия ҳам мудофаа соҳасида киберхавфсизликнинг аҳамияти ортиб бораётганлигини тан олган ҳолда ахборот тизимларини хужумлардан ҳимоя қилиш учун киберхавфсизлик инфратузилмасини мустаҳкамлаш устида ишламоқда.

Туркия геосиёсий жиҳатдан нозик минтақада жойлашган, шу сабабли терроризм, минтақавий можаролар, чегара низолари каби турли хавфсизлик муаммоларига дуч келмоқда. АТФ ушбу таҳдидларни баҳолаш ва шунга мос равишда мудофаа стратегиясини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. НАТО аъзоси сифатида Туркия қимматли маълумотларни алмашиш механизмларида иштирок этади ҳамда бошқа аъзо давлатлар билан мудофаа ва хавфсизлик масалаларида ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ушбу ҳамкорлик коллектив мудофаа ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш ва умумий хавфсизлик муаммоларини ҳал қилиш учун АТФни ўз ичига олади.

Туркия курд жангариларига қарши маҳсус амалиётларда фаол иштирок этмоқда. Шу ўринда, АТФ террористик ҳаракатлар тўғрисида қимматли маълумотларини тўплаш, таҳдидларни аниқлаш ва мақсадли ҳарбий амалиётларни ўтказиш учун жуда муҳимдир.

Шунингдек, Туркия ўз армиясини, жумладан, АТФни модернизация қилиш имкониятларини амалга оширмоқда. Бу ҳарбий амалиётларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш учун ўқитиш, қайта тайёрлаш, янги технологияларни жорий қилиш ва ташкилий қайта қуришга инвестицияларни ўз ичига олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Туркияning ички сиёсий жараёнлари мудофаа соҳасидаги маълумотлар таҳлилига ҳам таъсири қилиши мумкин. Сиёсий жараёнлар, раҳбариятдаги ўзгаришлар ва сиёсий

устуворликларнинг ўзгариши АТФнинг устувор йўналишларига таъсир қилмасдан қолмайди.

Қолаверса, бошқа ҳар қандай давлат сингари Туркия ҳам АТФ соҳасида айрим муаммоларга дуч келмоқда. Буларга чекланган технологиялар, бюрократик тўсиқлар ва маълумот хавфсизлиги билан боғлиқ муаммоларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Умуман олганда, АТФ Туркияning мудофаа стратегиясининг муҳим таркибий қисми бўлиб, мамлакатга таҳдидларни баҳолаш, муҳим қарорлар қабул қилиш ва миллий хавфсизлик манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширади. Туркия ўзининг мудофаа қобилиятини ривожлантириш ва ўзгарувчан хавфсизлик муаммоларига мослашишда давом этар экан, АТФ асосий устувор вазифаси бўлиб қолади⁶.

Россия Федерациясининг мудофаа соҳасидаги ахборот-таҳлилий фаолияти, биринчи навбатда, Россия Федерациясининг мудофаа ва хавфсизлик тўғрисидаги Федерал қонунлар билан тартибга солинади. Ушбу қонунлар ахборот-таҳлилий фаолиятнинг турли жиҳатларни, шу жумладан мудофаа ва ҳарбий фаолият билан боғлиқ масалаларни тартибга солади.

Технологик жиҳатдан Россия мудофаада ахборотни таҳлил қилиш учун турли хил воситалар ва усуллардан фойдаланади. Потенциал таҳдидларни аниқлаш ёки мудофаа стратегияларини оптималлаштиришга ёрдам берадиган катта ҳажмдаги маълумотлар таҳлили замонавий сунъий интеллект алгоритмлари орқали амалга оширилади. Радар сигналларини ва радио алоқаларни ушлаш ҳамда таҳлил қилиш учун мураккаб радиоэлектрон технологиялар қўлланилади. Маълумотларни йиғиш ва кузатувни амалга оширишда сунъий йўлдош тасвирлари, геофазовий мониторинг қилиш орқали эришилади.

Россияning мудофаа соҳасидаги ахборот-таҳлилий фаолиятининг ўзига хос ижобий томонлари мавжуд. Реал вақт режимида катта ҳажмдаги маълумотларни таҳлил қилиш орқали Россия ўзининг мудофаа ва

⁶ <https://cyberleninka.ru/article/n/analiticheskie-tsentry-i-nauchnaya-politika-turtsii>

хавфсизлик соҳасида потенциал таҳдидлар ҳамда заиф нуқталарни ўз вақтида аниқлайди.

Ахборот таҳлилидан олинган маълумотларга асосланган тушунчалар ҳарбий қўмондонларга вазиятга тўғри баҳо бериш ва ўз вақтида қарорлар қабул қилишда ёрдам беради, бу эса хавфсизлик муаммоларига янада самарали жавоб беради. Илғор кузатув ва мониторинг технологиялари Россияга мудофаа ва хавфсизлик таҳдидларини эрта босқичда аниқлаш ҳамда уларга жавоб бериш, кутилмаган ҳужумлар ёки душманлик ҳаракатлари эҳтимолини минималлаштириш имконини яратади.

Душман тўғрисида маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва самарали ҳаракат қилиш қобилиятини намойиш этиш орқали Россия потенциал хавфлардан келиши мумкин бўлган душманлик ҳаракатларини тўхтатиб, миңтақавий барқарорлик ва хавфсизликка ҳисса қўшиши мумкин.

Хитойда мудофаа соҳасидаги ахборот таҳлили фаолияти тегишли қонун ва қоидалар билан тартибга солинади, жумладан, 2017 йилда қабул қилинган “Ҳарбий разведка тўғрисида”ги қонун ҳарбий разведка идоралари фаолиятини, жумладан, мудофаа мақсадларида ахборот таҳлилини тартибга солади.

Хитойда мудофаа ахборотини таҳлил қилишда қўлланиладиган технологиялар, кенг доирадаги воситалар ва тизимларни ўз ичига олади. Бошқа ривожланган давлатлар каби Хитой турли манбалардан, жумладан, очик манбалар (OSINT), сигналлар (SIGINT) ва геофазовий (GEOINT) маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш учун замонавий суний интеллект технологияларидан фойдаланади. Сунъий интеллект маълумотларни қайта ишлаш ва башоратли таҳлил каби вазифаларни автоматлаштириш орқали мудофаа маълумотларини таҳлил қилишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Хитой маълумотларни тўплаш, ҳарбий ҳаракатларни кузатиш ҳамда стратегик ўзгаришларни таҳлил қилиш учун сунъий йўлдош тасвири ва масофадан кузатиш технологияларига катта миқдорда сармоя киритади.

Хитойнинг мудофаа ахборотини таҳлил қилиш имкониятларининг ижобий томонлари қўйидагилардан иборат:

Илғор технологияларни қўллаш орқали Хитой реал вақт режимида ҳарбий ўзгаришлар, потенциал таҳдидлар ва геосиёсий динамика ҳақида маълумотга эга бўлиш орқали вазиятдан хабардорлигини ва стратегик қарорлар қабул қилишни кучайтиради.

Самарали ахборот таҳлили Хитойга заиф томонларини аниклаш, таҳдидларни олдиндан билиш ва мудофаа ҳолатини оптималлаштириш имконини беради, натижада ҳарбий салоҳияти ҳамда тайёргарлигини оширади.

Хитойнинг мудофаа ахборотини таҳлил қилиш учун илғор технологияларга киритган сармоялари сунъий интеллект, сунъий йўлдош технологиялари каби соҳаларда инновациялар ва технологик тараққиётга ҳисса қўшади.

Мудофаа соҳасида ахборот-таҳлилий фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш орқали Хитой ўзининг миллий хавфсизлик манфаатларини ҳимоя қилишга эришди.

Умуман олганда, Хитойнинг мудофаа ахборотини таҳлил қилиш фаолияти геосиёсий кескинликларга оид хавотирларни келтириб чиқарсада, улар мамлакатнинг инновациялар ва технологик ривожланиш орқали миллий хавфсизлик имкониятларини оширишга содиқлигини ҳам акс эттиради.

Ривожланаётган технологияларни қўллаш, ҳамкорликни ривожлантириш ва инсон капиталига сармоя киритиш орқали мудофаа ташкилотлари хавфсизликка таҳдидларни самарали тарзда олдиндан билиш, баҳолаш ва юмшатиш қобилиятини ошириши мумкин. Геосиёсий вазият ривожланишда давом этар экан, миллий хавфсизлик манфаатларини ҳимоя қилишда мустаҳкам АТФ имкониятларига эга бўлиш муҳимлигича қолмоқда.

Тажрибалари ўрганилган хорижий давлатларнинг мудофаа соҳасидаги ахборот-таҳлилий фаолияти SWOT таҳлил қилинганда, куйидаги жиҳатлари аниқланди. Яъни:

Хорижий давлатларнинг мудофаа соҳасидаги АТФ бугунги ҳолатнинг кучли томонлари:

- замонавий сунъий идрок каби энг сўнгги технологияларнинг мавжудлиги;
- потенциал таҳдидлар ҳақида тўлиқ маълумот тўплаш имконини берувчи ахборот тармоқларининг мавжудлиги (шахслар, гуруҳлар нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқалар);
- юқори малакали таҳлилчилар ва тадқиқотчиларнинг мавжудлиги ҳамда уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш ишлари тизимили йўлга қўйилганлиги;
- қўшни, минтақадаги ёки манфаатлари кесишган мамлакатлар билан иттифоқчилик ҳамда хамкорликнинг юқори даражада таъминланганлиги.

Хорижий давлатларнинг мудофаа соҳасидаги АТФ бугунги ҳолатнинг кучсиз томонлари:

- мураккаб технологияларга боғланиб қолиш таъминот занжирлари узилган тақдирда заифликларни келтириб чиқариши;
- ахборот-таҳлилий фаолият ва илмий тадқиқот ишларига ажратилган мудофаа бюджети маблағлари етарли эмаслиги;
- илмий тадқиқот ишларининг амалиёт билан интеграцияси тегишли талабларга жавоб бермаслиги.

Хорижий давлатларнинг мудофаа соҳасидаги АТФ бугунги ҳолатнинг имкониятлари:

- сунъий интеллект каби янги технологиялар соҳасидаги ютуқлар таҳдидларни тезкорлик билан аниқлаш имконини бериши;

- иттифоқчи давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш ахборот алмашинуви ва умумий хавфсизлик муаммоларини бартараф қилишни осонлаштириши;
- нодавлат ақл марказлари ва нуфузли эксперталар билан ҳамкорлик инновацион ечимлар ва янги гояларни тақдим этиши;
- минтақавий шериклар ва ривожланаётган кучлар билан стратегик иттифоқчилик разведка маълумотларини қўлга киритиш имкониятини ошириши.

Хорижий давлатларнинг мудофаа соҳасидаги АТФ бугунги ҳолатига таҳдиidlар:

- ижтимоий таъминот етарлича таъминланмаганлиги оқибатида ахборот-таҳлилий фаолиятда малакали кадрлар сонининг камайиб кетганлиги;
- соҳа мутахассислари ва тажрибали кадрларнинг хорижий давлатларга чиқиб кетаётганлиги;
- илғор технологиялар ва замонавий воситалар билан етарли даражада таъминланмаганлиги;
- маълумот йиғиш, таҳлил қилиш ва тарқатиш тезкорлигига тўсиқ бўладиган бюрократик тўсиқлар.